

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

О`zbekistonda sog`liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 27 май • № 21 (834)

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИАТ

Мустақил диёримиз ўзининг 20 йиллик байрамини нишонлаш арафасида экан, ўтган давр мобайнида тиббиёт тизимидаги фаолиятларга назар ташлайдиган бўлсак, соҳада оламшумул ўзгаришлар амалиётда ўз ифодасини топиб, Ўзбекистон тиббиёти дунё ҳамжамиятидан ўрин олди, десак янглишмаган бўламиз. Зеро, ана шундай ажойиб кунларда ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлаётган Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази истиқлол берган имконият туфайли ўзининг янги қиёфаси-ю, замонавий технологиялар ва малакали кадрларига эга бўлди...



Хуршеда МАТЛЮБОВА,
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врач.



ганда: «Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор, инсон учундир». Бундай пурмаъно сўзлар замирида инсон манфаати ва унинг саломатлиги ётар экан, серкўёш диёримизда бу борада самарали ишлар ўз ифодасини топиб келаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, барча соҳалар каби республика тиббиёт тизимида ҳам нуфузли ишлар амалга оширилиб, замонавий тиббиёт муассасалари қад кўтариб, янги технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминланди. Аввало, халқнинг тиббиётга бўлган ишончи ошиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий

Эътироф этиш жоизки, истиқлолимиз бераётган имкониятлар боис, ҳар бир соҳада ютуқли натижалар қўлга киритилиб, жамиятимиз тараққиёти кундан-кунга ривожланиб, халқимизнинг яшаш тарзи ва фаровонлиги янада яхшиланиб, келажаги буюк бўлган юртимиз таниб бўлмас даражада гуллаб-яшнамоқда. Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлар эканмиз, ҳар биримизнинг қалбимиздаги чексиз фахр-ифтихор Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада ошириб, Ўзбекистон фарзанди эканлигимиздан фахрланиб кетамиз. Мана шу қисқа давр ичида юртимизда мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилиб, ютуқли натижаларга эришилди.

Айниқса, ислохотлар жараё-



нидаги фаолиятларга босқичма-босқич назар ташлайдиган бўлсак, сўзимиз камлик, қаламимиз эса ожизлик қилади. Инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият деб, тан олинган Ўзбекистонда бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Дарҳақиқат, Президентимиз таъбири билан айт-

хизмат сифати ортди. Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, Юртбошимиз 2010 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланишга бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида,

(Давоми 2-бетда).

ЮРТИМ САРВАРИ БЎЛ, БОЛАЖОН



Дард кўрмагин асло Болажон,
Соғлом ўсгин, доим бўл омон.
Соғ тандаги соғлом ақлингдан,
Буюк бўлсин юрт – Ўзбекистон.

Чалинмангиз дардга Оналар,
Қувонч бўлсин сизга болалар.
Фарзанди соғ, билимли бўлган,
Элга келмас ҳеч қандай хавфлар.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ
Мустақил юрт келажаги ва
истиқболини ақлан соғлом, маънан
етук, жисмонан бақувват ва баркамол
авлодгина ярата олади.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдида

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросим ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида тизимда амалга оширилаётган самарали ишларга алоҳида эътибор қаратганликларига ҳар

бўлими) ташкил қилинди. Баъзи бўлимлар эса профлига мос касалхоналарга ўтказилди (туғруқ бўлими). Шунингдек, дорихона, касалхона бинолари, коммуникация тизимлари қайта капитал таъмирланди. Дорихонада тайёрланаётган дорилар сони ва миқдори бир неча мартага кўпайди. Марказда фаолият юритаётган врач-

да 148 турдаги таҳлиллар аниқланмоқда. Айтиш муҳимки, бўлимларда яратилган барча шароит ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда малакали кадрлар томонидан янги технологиялар асосида турли хилдаги операция жараёнлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Микрохирургия ва қонтомирлар жарроҳлиги бўлимида узилган тана сегментларини реплантация қилиш, қон-томирларида реконструктив операциялар қилинмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда сурункали мия қонтомир етишмовчилигини хирургик даволаш устида иш олиб борилмоқда. Бу йўналишда уйку артерияларида операциялар



стаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида марказдаги ишчи гуруҳ томонидан аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш би-

кўрсатилмоқда. Йилнинг ҳар чорагида туман тиббиёт бирлашмаларига беморларни амбулатор шариотда бепул текшириш ва даволаш учун йўланма тарқатилади. Имтиёзли беморларга тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказимизда ихтисослаштирилган тиббий хизмат натижалари доимий равишда илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиниб борилади.

Кўплаб беморлар дардига нажот бахш этиб келаётган жамоамиз аҳли билан қанчалик фахрлансак арзийди. Яна шуни эъти-



йўлга қўйилган. Хирургия бўлимида ошқозон ости беши резекцияси, ўт йўлларида реконструкция, кардиоспазмда ва диафрагма релаксациясидаги операциялар, урология бўлимида эса сийдик йўллари перкутан катетеризация қилувчи операциялар ҳам амалга оширилмоқда. Қоннинг тизимли касалликларига чалинган беморлар учун алоҳида бокс хоналар ташкил қилиниб, уларнинг ремиссия даври бир неча йилларга чўзилмоқда. Беморларни даволашда фитопрепаратлардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган.

Юртбошимизнинг 2007 йилдаги 3923-сонли Фармонида



биримиз гувоҳ бўлдик.

Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан соҳага оид чиқарилаётган ҳар бир Қарор ҳамда Фармонлар замирида инсон саломатлиги ётар экан, бу борада республика тиббиёт тизимида қўлга киритилаётган ютуқлар бундан мустасно эмас. Жумладан, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказимизда ҳам истиқлол берган имконият туфайли ижобий ишлар қилиниб, муассасамиз фаолиятида туб ўзгаришлар юзга келди. Муассасамиз ўз олдида қўйилган вазифаларни бажариш, вилоят аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш учун астойдил хизмат қилиб келмоқда. 2007 йилда Юртбошимизнинг ПҚ-39/23-сонли Қарорига асосан касалхонамиз вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантилди. Бу билан муассасанинг фақатгина номи ўзгариб қолмасдан унинг асосий вазифаси аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва уни амалга оширишдан иборатдир. Шифохонамизда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, янги стационар бўлимлари (урология, андрология, микрохирургия, қон-томирлари хирургияси ва нейрохирургик ўринлар) ҳамда бўлимлари (қон қуйиш

лар малакасини оширишга, моддий техникани мустаҳкамлашга ҳамда даволаш жараёнида янги технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айтиш кунда врачларнинг 62 фоизи, ҳамшираларнинг 21 фоизи олий тоифага эга бўлиб, кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларидан 70 фоизи малака ошириб, жумладан, 10 нафар врачлар Россия, Украина, Хиндистон давлатларида малакаларини ошириб қайтидилар. 5 нафар врач тиббиёт фанлари номзодларидир. 2008-2009 йилларда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий мураккаб диагностика ва физиотерапевтик ҳамда ультратовушли доплер ДЗ "PHILIPS" Эхоэнцефалограф, биохимик анализатор, колпоскоп, ЭГДФС каби аппаратлар сотиб олинди. Ушбу аппаратларнинг амалга татбиқ қилиниши, кўплаб мураккаб патологик жараёнларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек, замонавий лаборатория аппаратлари эса мураккаб ва специфик анализларни бажариш имкониятини берди. Бугунги кунда марказ лабораторияси-



асосан мутахассисларимиз вилоят, туман тиббиёт бирлашмаларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб, бунинг баробарида, малакали мутахассислардан иборат гуруҳлар барча туманларга чиқиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ўрғаниб, уларга керакли тавсияларни бериб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1096-сонли ҳамда 1 июлдаги ПҚ-1144-сонли "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини му-

лан бир қаторда, тарғиб ишлари олиб борилмоқда. Марказ поликлиникасига мурожаат қилаётган ва стационар бўлимида даволанаётган фертил ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларда ҳомиладорликда монеликлар аниқланган ҳолда контрацепция қўлланилиб, ихтиёрли хирургик контрацепциялар қилинмоқда. 1985 йилда марказ (Самарқанд вилоят 1-сон бирлашган касалхонаси) 650 ўринга эга бўлган бўлса, бугунги кунда ўринлар сони 320 тагача камайтирилди. Беморларни даволашда замонавий техника ва технологияларнинг амалиётга татбиқ қилиниши, самарали дори воситалари ва физиотерапевтик усуллари қўлланиши стационарда беморларнинг даволаниш даврини қисқартирди. Юртбошимизнинг Фармонларида белгиланганидек, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларига тиббий ёрдам кўрсатишда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Вазирликнинг 216-сонли буйруғига мувофиқ марказда беморларга бепул тиббий хизмат

роф этиш керакки, Президентимизнинг тиббиёт тизимига бўлган эътибор ва ғамхўрлиги, вазирликнинг саяё-ҳаракатлари боис, тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, меҳнатини эъзозлаш, уларни касбларига бўлган меҳрларни янада оширмоқда.

Шунингдек, бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган муассасанинг янги қиёфага киришида, замонавий технологиялар билан таъминлашида ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда марказ ходимларининг меҳнатлари беқиёсдир. Марказимиз ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлар экан, ушбу масканинг нуфузи ошишида фаол иштирок этган қанчадан-қанча тиббиёт ходимларимизни ҳурмат билан тилга олсак арзийди.

Марказимиз фаолиятини янада жадаллаштириш ҳамда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда жамоамиз ходимлари куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олиб, бурч ва қасамёдлари олдида астойдил хизмат қиладилар.

Хуршеда МАТЛЮБОВА,
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врач.
(Давоми 3-бетда).

Мустақиллик шукронаси

ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ

Лидия ҲАСАНОВА,
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиёт блоки катта ҳамшираси:

– Аввало, биздек тиббиёт ходимлари меҳнати кўллаб-қувватлаётган Президентимизга ўз ташаккуримни билдираман. Уларнинг фаолиятимизга бўлган эътиборлари боис, касбимизга меҳримиз ошиб, янада шижоат билан ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Мана 50 йилдирки, ушбу марказда меҳнат қилиб келяпман. Айниқса, шифо масканимиз мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида 50 ёшга тўлиши жамоамиз учун катта фахр десам, янглишмаган бўламан. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили тарих зарварақларидан ўрин олар экан, бу албатта юртимиздаги туб ўзгаришларнинг амалдаги ифодаси билан ҳар бир қалбда муҳрланиб қолади. Ушбу давр мобайнида 50 йиллик тарихга эга бўлган марказимизда ҳам салмоқли ишлар

амалга оширилиб, муассаса қиёфаси янгича тус олиб, замонавий аппаратлар ва малакали кадрлар билан таъминланди. Касбимни жон дилдан севаман. Шу кунга қадар кўплаб шогирдлар етиштирганимдан фахрланаман. Ҳар бир бўлимларда боғлов ҳамда операцион хоналар мавжуд бўлиб, уларда ишлаш катта масъулият талаб қилишини ҳамкасбларимга айтиб, тиббий ускуналардан оқилона фойдаланиш, айниқса, асептика-антисептика қоидаларига риоя этишларини ўргатиб келмоқдаман. Ҳамширалар фаолиятига катта эътибор қаратаётган давлатимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳамда Марказимиз раҳбариятига миннатдорчилигимни билдириб, уларни истиқлолимизнинг 20 йиллиги билан қутлайман.



Гулнора МАМУТОВА,
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази катта ҳамшираси:

– Ҳамширалик касбини танлаганимдан ва шу соҳада 41 йилдан буён ишлаётганимдан мамнунман. Айниқса, Юртбошимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамширалик ишига бўлган эътибори боис, амалга оширилган ишлар туфайли Ўзбекистонда «Ҳамширалик мактаби» яратилди, десам муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси ва унинг вилоят филиалларининг фаолиятидаги ўрни бугунги кунда ўз нуфузига эга бўлаётганлиги республикамиз тиббиёт муассасаларида меҳнат қилиб келаётган 250 мингдан ортиқ ҳамшираларнинг касбга бўлган иштиёқи ҳамда халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилаётганликларидир. Мустақиллик шарофати билан марказимизда янгиликлар сари қадам ташланиб, мутахассислар-

нинг янги технологияларда мураккаб операцияларни бажариш жараёни, қолаверса, ўз тажрибаларини ошириш мақсадида тинимсиз изланиш олиб бораётганликлари, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончини янада ошироқда. Ўз фаолиятим давомида иқтидорли, касбига меҳр қўйган ҳамшираларга устозлик қилиб келаётганимдан фахрланаман. Республикаимиз ҳамширалари меҳнати қадрлаб, улар мустақил ишлашлари учун имконият яратган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси раиси Рихси Салиходжаева ва фаолиятимиз учун барча шароитларни яратиб берган Хуршеда Матлюбовага дил изҳоримни билдириб, уларнинг жамиятимиз тарққиёти йўлидаги ишларига ривожлар тилаб қоламан.




Шерали НОРҚЎЗИЕВ,
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачининг хирургик ишлари бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди:

– Кейинги йилларда Ўзбекистон тиббиёти мисли кўрилмаган даражада ютуқли натижаларга эришиб, хорижий мутахассислар томонидан эътироф этилаётганлигига ҳар биримиз гувоҳимиз. Айтиш мумкин, бугун қайси бир тиббиёт муассасасига борманг, у ердаги шароит, соғлом муҳит ҳеч биримизни эътиборсиз қолдирмайди. Соҳанинг ҳар бир йўналишида ўзига хос мактаб яратилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Айниқса, хирургия йўналишида ҳам олиб борилаётган фаолиятлар бундан мустасно эмас. Академик Восит Воҳидовдек ва бир қанча устозларимизнинг хирургия мактабини яратиб кетганликлари биз учун катта мерос бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мутахассисларимизнинг мураккаб операция жараёнларини муваффақиятли бажараётганликлари, хорижий давлатлардаги халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этиб, Ўзбекистон тиббиёти

довруғини танитаётганликларини тилга олсак арзийди. Истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида марказимизнинг 50 йиллик юбилейи нишонланар экан, ушбу маскан давр талаби даражасида ўз нуфузига эга бўлишида ҳалол меҳнати аямаган марказ раҳбари Хуршеда Матлюбованинг жамият ва оилада тутган ўрни ҳақида қанчалик гапирсамда, озлик қилади. Қалби пок, куч-ғайрат ва шижоатга эга бўлган Хуршеда опанинг талабчану ташаббускор ҳамда фидойилиги билан марказ фаолияти тубдан ўзгариб, ходимлар учун етарли имкониятлар яратилди, муассаса худудлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди.

Мақсадимиз халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиш экан, бор куч ва имкониятларимиздан оқилона фойдаланиб, Ватанимиз равнақини янада юксалтиришда ўз ҳиссамизни қўшамиз.



Акмал ЙИГИТОВ,
Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология маркази бошлиғи:

– Марказимиздаги гематология маркази дастлаб бўлим сифатида 1965 йилда 1-сон вилоят қон қуйиш станцияси таркибида 30 ўринга мўлжаллаб очилган эди. Бўлим 1985 йилда 60 ўринга мослаштирилиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси буйруғи билан 1-сон бирлашган вилоят шифохонаси таркибига ўтказилди. 2000 йилда эса марказ бош врач Х. Матлюбова ташаббуси билан иккита бўлим бирлаштирилиб, 42 ўринга мўлжалланган гематология маркази ташкил қилинди. 2002 йилда гематология маркази замон талабига жавоб бе-

радиган алоҳида икки қаватли бинога кўчди. Марказда бир йил давомида ўртача 1200 нафар бемор даволанади. Самарқанд вилоятдан ташқари, қўшни вилоятлардан ҳам қон касалликлари билан оғриган беморлар шифо топиб кетмоқдалар. Марказимиз вилоят шифохонасининг биринчи хирургия бўлими билан биргаликда Идиопатик Тромбоцитопеник пурпурларда спленэктомия амалиётини йўлга қўйди. Янги препаратларда Нейпоген, Флюдорабин, Эритропозетин, Венфер, Этопазит каби дори-дармонлар беморларга қўлланмоқда. Таъкидлаш мумкин, 2010 йилда гематология марказида лейкоз касаллар учун алоҳида асептик блок ташкил қилинди. Экстрокорпорал қон тозалаш хонаси фаолияти Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтидан кейин иккинчи ўринда бўлиб, 2006 йилдан буён беморларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур хонада 200 га яқин касалликларга плазмаферез, лейкоцитозферез, тромбоцитозферез, эритроцитозферез ва бластоцитозферез операциялари

ўтказилмоқда. 2006-2009 йиллар мобайнида фақат дискретный плазмаферез операцияси ўтказилган бўлса, 2009 йилдан бошлаб, аутоиммун касалликларидан селективный плазмаферез операцияси ўтказиш йўлга қўйилди. Экстрокорпорал қон тозалаш – қўшимча даволаш усули бўлиб, гематологик, гинекологик, неврологик, хирургик, терапевтик, дерматологик, наркологик, реанимацион ва педиатрияда кенг қўллаш мумкин. Албатта бундай шароитларнинг яратилиши мустақиллигимизнинг шарофатидир. Айниқса, бу борада мутахассислар учун кенг имконият эшикларини очилаётганлиги, изланишларимизда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Марказимиз ўзининг 50 йиллик тарихий санасини нишонлар экан, жамоамиз аҳлини байрамлари билан қутлаб, юртимиз тинч, халқимиз фаровон яшаб, мустақиллигимизнинг 20 йиллигини кўтаринки кайфият билан кутиб олишларини тилаб қоламан.

Қалбимиз тўла қувонч ва ҳис-туйғулар билан эътироф этишимиз жоизки, 20 йил ичида Она диёримиз мисли кўрилмаган даражада гўзаллашиб, ҳар бир соҳада катта ўзгаришлар бўлганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай экан, тиббиёт соҳасидаги янгилик, изланиш қолаверса, халқимиз саломатлиги йўлидаги эзгу ишларнинг равнақ топиб кетаётганлигини ҳар бир тиббиёт муассасасида учратиш мумкин.

Ҳа, мустақил юртимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида ўзининг муносиб 50 йиллик юбилейини кутиб олаётган Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази аҳил жамоасини қўшалоқ байрам билан чин қалбдан самимий қутлаймиз. Уларнинг эзгу ниятлар ила халқимиз саломатлиги йўлидаги фаолиятларига омадлар тилаб, муассасада соғлом муҳитнинг доимий барқарор бўлишини истаб қоламиз.

1-3-саҳифа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Аттестация ва жараён

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ: ФАОЛИЯТДАГИ БИЛИМЛАР СИНОВИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилиб, унинг натижасида жамиятимиз тараққиёти янада юксалиб бормоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилаётганлиги бундан мустасно эмас. Шу ўринда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда узлуксиз таълим жараёнлари, бунинг баробарида эса тиббиёт ва фармацевт ходимларга малака тоифасини бериш бўйича


– Ахрор Бахромович, тиббиёт ва фармацевт ходимларига малака тоифасини бериш ва аттестациядан ўтказишда қўйиладиган тартиб-қоидалар ва мазкур йўналишда улар учун яратилган шароит-имкониятлар хусусида тўхталиб ўтсангиз?

Марказнинг ташкил этилишидан асосий мақсад, тизимда фаолият олиб бораётган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг иш самарадорлиги, сифати ва масъулиятини кучайтириш, касб маҳоратини шакллантириш, моддий манфаатдорлигини яхшилаш ҳамда республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини оширишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази ташкил этилгунга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббий ва фармацевт ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида”ги Низоми амалда эди. Мазкур ҳужжат аттестацияни йилда 2 мартаба, яъни баҳор (апрель) ва куз (октябрь) ойларида ўтказилишини назарда тутди. Марказ ташкил бўлгандан кейин Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2003 йил 12 мартдаги 113-сонли буйруғи билан врачлар ва олий маълумотли фармацевтларга малака тоифасини бериш бўйича “Вақтинчалик Низом” тасдиқланди ҳамда аттестация жараёни 3 йил давомида апробациядан ўтказилди. Ана шу уч йил давомида аттестация ўтказиш тартиби ва шартларидаги

ча аттестация тизимини такомиллаштириш, уларнинг билим савияси ҳамда амалий кўникмаларини аниқлашда компьютер-тест, оғзаки имтиҳонларни ўтказиш тартиби амалиётга татбиқ этилаётганидан хабардоримиз. Мазкур йўналишдаги фаолиятларга ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ҳамда аттестациядан ўтказиш Республика маркази директори Ахрор Бахромович Яркулов билан суҳбатда бўлдик.

ҳамда унинг берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг расмийлаштирилиши, шунингдек, ягона республика реестрига киритиш мuddатлари қатъий белгиланди.

ва августдан ташқари) йил давомида ўтказиладиган бўлди. Мутахассисликларнинг тури ва сонига қараб 3 мартадан 10 мартагача аттестация ўтказилмоқда. Бу эса мутахассисларни ўз вақтида малака тоифасига эга бўлиш имкониятини яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сонли қарорига кўра малака тоифаси учун бериладиган устама тўловларнинг оширилиши мутахассисларнинг касбга бўлган қизиқиш ва интилишларини кучайтирди. 2006 йилга қадар аттестация 82 та мутахассислик бўйича ўтказилган бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббиёт (врачлик) ва фармацевтика ходимларининг мутахассислик ҳамда лавозимлар



ижобий ҳамда камчилик томонларини аниқлаш имконияти юзага келди. Уларни ҳисобга олган ҳолда орттирилган тажрибага асосланиб малака тоифаси бериладиган врачлик ва фармацевтика мутахассисликлар рўйхати, ихтисослашган аттестация комиссиялари, врачлик ва фармацевтика мутахассисликлар малака тавсифномаси ҳамда малака тоифаси бериш бўйича аттестация Низоми ишлаб чиқилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 25 октябрдаги 456-сонли буйруғи билан тасдиқланди. Аттестация ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган режа асосида (июль

номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 160-сонли буйруғи билан 132 та мутахассислик бўйича малака тоифасини бериш учун аттестация ўтказиш белгилаб қўйилди. 2010 йил натижаларига кўра, 102 та мутахассислик бўйича мурожаатлар қабул қилинди. Низомга кўра, ҳар йили аттестация комиссияси таркиби янгиланиб борилади ва унинг таркиби қайта тузилади. Аттестациядан ўтган ва малака тоифаси берилган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун ягона республика реестри ташкил қилинди. Аттестация йиғилиши баённомаларини расмийлаштириш, малака тоифаси тўғрисидаги буйруқ

Авваллари тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаси берилганлигини тасдиқловчи гувоҳномалар оддий қоғозда берилган бўлса, 2008 йилдан бошлаб “Давлат белгиси” кўрсатилган Тошкент босма фабрикасида махсус тайёрланган ва химоя воситаларига эга гувоҳнома бланкаларида расмийлаштирилиб берилмоқда. Аттестациядан ўтувчилар учун қулай ва етарли шароитлар яратиш мақсадида Марказ биноси тўлиқ мукамал таъмирланди ва реконструкция қилинди, хоналар компьютерлаштирилди, алоҳида компьютер зали ташкил этилди, барча компьютерлар умумий ягона тизимга бирлаштирилди, зарурий техника воситалари билан жиҳозланди. Аттестация ўтказиш жараёни билан боғлиқ бўлган босқичларни ўз ичига олган компьютер дастурлари ҳамда маълумотлар базаси ишлаб чиқилди ва уларга Ўзбекистон Республикаси Патент идорасидан 10 та гувоҳнома олинди. Марказнинг компьютер зали, коридори ва хоналарига видеокузатув камералари ўрнатилди. Шунингдек, Марказ коридоридида ўрнатилган монитор орқали компьютер-тест синовларини ўтказиш жараёнини хоҳлаган одам кузатиб бориши учун қулай шароит яратилди. Видеокузатув тизими томонидан аттестация билан боғлиқ барча жараёнлар ёзиб борилади. Ушбу видеоматериаллар белгиланган мuddатгача сақланади. Айтиш лозимки, аслида



савияси ва амалий кўникмаларини аниқлашда Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқармалари билан ҳамкорликда компьютер-тест синов ва оғзаки имтиҳон учун саволлар тузиш ҳамда экспертиза қилиш бўйича етук мутахассис ва олимлардан иборат ишчи гуруҳи вазирлиқнинг махсус фармойиши билан тасдиқланди. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида, 132 та врачлик ва 12 та ҳамширалик мутахассисликлари бўйича 300 тадан русча ва ўзбекча, жами 79200 та саволлардан иборат компьютер базаси яратилди. Келгусида ҳар бир мутахассислик бўйича саволларни 2000-2500 тага етказиш режалаштирилган.

– Демак, юқорида айтилганидек, аттестация жараёнларини халқаро андозаларга мос ҳолда ўтказиш учун марказ ходимларининг касбий малакаси етарлими?

– Албатта, марказимиздаги ходимларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Уларнинг кўпчилиги ўз касбининг моҳир билимдонлари бўлганлиги боис, кўпгина хорижий мамлакатлар тажрибасини ўзлаштирганлар. Масалан, марказнинг “Ахборот технологиялари ва тестдан ўтказиш бўлими” бошлиғи Х. Зайниддинов Жанубий Корея давлатининг Донсео университетидида икки йил ишлаб, тажриба алмашиб келди. Шунингдек, шу бўлим тизим дастурчиси Ш. Норкулов Ҳиндистон элчихонасининг грантини қўлга киритиб, бир ой давомида Жанкур шахрида замонавий компьютер технологиялари мавзусида ўз малакасини оширди. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифасини бериш учун ўтказиладиган аттестация икки босқичдан, яъни компьютер-тест ва оғзаки имтиҳонлар босқичидан иборат бўлди. Тест синовларида етарли балл тўплаганлар оғзаки имтиҳонлар босқичидан ўтказишда қатор ривожланган давлатларнинг, жумладан, Жанубий Корея, Малайзия, Ҳиндистон, Сингапур ва Россияда олиб борилаётган илмий ишлар чуқур таҳлил қилинди ва улар тажрибасидан кенг фойдаланилди. Бугунги кунда малака тоифасини бериш мақсадида ўтказиладиган компьютер-тест синовлари учун тузилган тест топшириқлари оддий, ўртача мураккабдаги ва мураккаб тестлардан ташкил топган. Мураккаб тест топшириқлари ичида тўғри кетма-кетликни (последовательность) ва мувофиқликни (соответствие) аниқлашга доир ҳамда вазиятчи (ситуацион) масалалар кўринишидаги тестлар ҳам алоҳида ўрин олган. Шу кунларда тасвир ва овозларни ўз ичига оладиган мультимедияли тест дастури яратиш устида иш олиб борилмоқда. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш жараёнида уларнинг билим

(Давоми 5-бетда).

Аттестация ва жараён ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ: ФАОЛИЯТДАГИ БИЛИМЛАР СИНОВИ

(Давоми. Боши 4-бетда).

Бўйича 2011 йил 26 январдан 17 февралгача республика миқёсидаги барча мутасадди ташкилот ходимлари учун ўқув семинарлари ўтказилди. Семинар давомида иштирокчиларга икки босқичли янги аттестация тартиб-қоидалари тўғрисида маълумотлар берилди. Аини кунда «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тўғрисида»ги янги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Авваллари умумий амалиёт ва интервенцион радиология, рентгенология, ультратовуш текшируви, ўсмирлар врачлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларига иккинчи тоифа 3 йил, биринчи тоифа 7 йил стаж билан берилган бўлса, эндиликда иккинчи тоифа 5 йил, биринчи тоифа 7 йил ва олий тоифа 10 йил иш стажига қараб белгиланади. Шунингдек, илгари тиббиёт олий ўқув юртлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедралари, илмий-текшириш, ихтисослаштирилган марказларнинг илмий даражага эга ходимларига малака оширмасдан мутахассислик бўйича тоифа олишга рухсат этилган бўлса, энди уларга ҳам умумий асосда аттестациядан ўтиш белгиланди. Малака тоифаси учун ойлик маошига қўшилган устама тўлов асосий иш жойидан эмас, балки мутахассислиги бўйича ўриндошлик асосида фаолият кўрсатаётган муассаса томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ врачлар ва фармацевтлар жами 288 соат, шундан 144 соат, ўрта тиббиёт ходимлари эса жами 144 соат, шундан 72 соат ишдан ажралган ҳолда малака оширган бўлишлари шарт. Олий маълумотли ҳамширалар фақат Марказ ихтисослашган аттестация комиссиясидан ўтишлари мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоятларда фақат иккинчи малака тоифа бериш учун аттестациядан ўтказиш белгиланган. Биринчи ва олий малака тоифаси фақат Марказ ихтисослашган аттестация комиссияси томонидан ўтказилади. Ходимлар аввалги малака тоифаси муддати тугашига уч ой қолганда ҳужжат топширади ва сўнгра ихтисослашган аттестация комиссиялари томонидан уч ой ичида аттестациядан ўтказилади. Агар талабдор ҳужжат топширгандан сўнг уч ой давомида аттестацияга келмаса, қайтадан ҳужжат тайёрлаши ва аттестацияга келиши лозим бўлади. Мазкур қоидалар барча тайёрланаётган янги Низом лойиҳасига тўлароқ шаклда киритилган. Низом лойиҳаси Адлия, Молия, Иқтисод вазирликлари ва Республика касба уюшмалари Федерацияси томонидан ўрганиб

чиқилди, уларнинг таклиф ва тавсиялари инobatга олиниб, янада такомиллаштирилмоқда. Ушбу Низом ўрнатилган тартибда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирган ҳисобланади. Ҳозирча аттестациялар ҳаракатдаги Низом асосида ўтказилади.

– Бугунги тезкор давр барча соҳалар каби аттестация жараёнлари янада ишончли ва сифатли ўтишида ахборот-коммуникация технологияларининг нечоғлиқ ўрни борлигини амалда тасдиқламоқда. Шу маънода, марказ иш фаолиятида замонавий ахборот технологиялари қандай самара бермоқда?

– Ҳозирги вақтда дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам инсон фаолиятининг барча соҳаларида ахборот-коммуникацион технологиялар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази ҳам ушбу соҳа бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, «Саломатлик-1» лойиҳаси ёрдамида компьютер зали ташкил этилиб, 44 та замонавий компьютер билан жиҳозланди. Марказ таркибиде «Ахборот технологиялари ва тестдан ўтказиш» бўлими очилиб, етук мутахассислар билан таъминланди. Республикада малака тоифасини олган врач ва фармацевтлар маълумотлар базасининг дастлабки варианты яратилди. Аттестация билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар чуқур таҳлил этилиб, дастурдаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолган ҳолда оптималлаштирилди. Махсус компьютер дастурлари ишлаб чиқилди. Яратилган дастурларга Ўзбекистон Республикаси Патент идораси томонидан 10 та гувоҳнома (патент) олинди. Дастурнинг барча имкониятлари Марказ учун WEB-саҳифа очиш, уни янги маълумотлар билан узлуксиз бойитиб бориш ҳамда оммаи Марказ фаолияти ва аттестация жараёни билан боғлиқ бўлган барча янгиликлар билан таништириб боришга қаратилган. Бугунги кунда Марказимиз жамоасининг қилаётган ишлари малака тоифаси бериш учун ўтказилаётган аттестация жараёни самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилади деган умиддамиз.

**Суҳбатдош
Намоз ТОЛИПОВ.
СУРАТЛАРДА:** марказ фаолиятидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

«Устоз-шогирд» аънанами амалда: Қорақалпоғистон Республикаси

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ СИФАТИ ВА АМАЛИЁТИ

Жорий йилнинг 19 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг катта мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Тиббиёт коллежларида таълим сифати ва амалиёти: муаммолар ва истиқболли вазифалар» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Соғлиқни

сақлаш вазирликлари мутасадди раҳбарлари, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси масъул ходимлари, марказ директорлари, республика даволаш-профилактика муассасалари бошлиқлари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бош врачлари, тиббиёт ўқув юртлари ўқитувчи-педагоглари, шунингдек, бош ҳамширалар ва оммавий ахборот воситалари иштирок этдилар.

Конференцияда асосан ёшларнинг таълим сифати ва амалиёти бўйича жорий этилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган кенг қамровли лойиҳалар ва келгусидаги режалар бўйича асосий масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раисининг ўринбосари Атажон Ҳамраев кириш сўзи билан очиб, кадрлар тайёрлаш сифати, уларни иш билан таъминлаш, шунингдек, тиббиёт коллежларини бити-



раётган ёшлар халқимиз саломатлиги йўлида масъулият билан фаолият юритиши мўҳимлигини, малакали кадрларни тайёрлаш, уларни замонавий талабларга мос, маънавий-ахлоқий етук ҳолда тарбиялаш вазифаси нафақат тиббиёт таълим муассасалари, балки соғлиқни сақлаш ходимлари олдидеги мўҳим вазифа эканлигини таъкидлади. Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари, Давлат санитария бош врачлари Саидмурод Саидалиев мамлакатимизда кадрлар тайёрлашни кучайтириш ва ёшларни касбга йўналтириш бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси ва бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталди.

Тиббиёт таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрлар сифатини ошириш ҳамда даволаш-профилактика муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Ж. Жумабаев, Тиббиёт коллежларида кадрларни тайёрлаш ва таълим сифатини ошириш маса-

лари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Алимова, «Устоз-шогирд» аъналарини ривожлантиришга қаратилган замонавий талаблар бўйича Тошкент шаҳар 1-сонли Республика тиббиёт коллежи директори М. Зияева, Даволаш-профилактика муассасаларида тиббиёт коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Р. Салходжаева, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Б. Абдиманов ва бошқалар «Устоз-шогирд» аъналарини ривожлантиришга қаратилган замонавий талаблар хусусида маъруза қилдилар.

Илгиларида таъкидланганидек, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган «2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юқунлари ва 2011 йил иқтисодий Дастурининг энг мўҳим устувор вазифалари»га бағишланган мажлисидаги маърузасида академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўзлари танлаган билим ва

касб соҳалари бўйича тайёрлик сифатини ҳозирги замон талаблари даражасига етказиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида тегишли вазирликларга кўрсатмалар берган эди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2011 йил 27 январда «Умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш, уларни тўлиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олиш, касб-хунар коллежларида таълим сифатини ошириш, мос йўналишдаги ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини ташкил этиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалалари билан олишларига эътиборни янада кучайтиради. Бундан кўзланган асосий мақсад – академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларига чуқурлаштирилган билим бериш, уларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши, ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича малакали билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда ишга жойлашишида рақобатни енга оладиган мутахассислар бўлиб етишишини таъминлашдан иборат.

Республикада ҳар ҳафтанинг пайшанба куни «Коллежлар куни» деб белгиланиши ўқувчиларнинг назарий ва амалий билим олишларига эътиборни янада кучайтиради. Бундан кўзланган асосий мақсад – академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларига чуқурлаштирилган билим бериш, уларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши, ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича малакали билим ва амалий кўникмаларни эгаллаши ҳамда ишга жойлашишида рақобатни енга оладиган мутахассислар бўлиб етишишини таъминлашдан иборат.

Конференция якунида мутахассислар ечимини кутайтган вазифалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Гулнора ЖУГИНИСОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси
«Шифокор» газетаси
муҳбири.**

Обуна – 2011

Хурматли муштарийлар!

2011 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Ўқув-услубий семинар

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ -
ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу йўналишдаги илгор тажрибани оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маънавият ва маърифат маркази томонидан Ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказида «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида республика ўқув-услубий анжумани ўтказилди.



Тадбирда вазирликнинг мутасадди раҳбарлари, Ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази вилоят филиалининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Маънавият ва маърифат маркази» бошлиғи Ўрол Абилов мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсад йўлида халқимиз эришадиган муваффақиятларда маънавиятни юксалтиришга қаратилган доимий эътибор муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, глобаллашув жараёнида таҳдидий ғоялар ва терроризмнинг мақсад-муддаолари, диний экстремизмга қарши кураш, ёшларга миллий мафкура тушунчаларини сингдириш сингари асосий вазифалар тўғрисида ҳам гапириб ўтди. Бунда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида ташкил этилган тадбирлар ижобий самара бермоқда. Бу бо-



рада Ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. – Марказимизда маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилмоқда, – дейди марказ директори Н. Муродов. – Бундан кўзланган мақсад, малака ошириш учун келган тиббиёт ходимлари онгига мустақиллик, миллий ғоя ва мафкура, демократик жамият куриш сингари сиёсатимизнинг устувор йўналишларида алоҳида маънавият соатлари ажратилган бўлиб, бу албатта, уларнинг билим савия-

лари янада юксалишига хизмат қилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот, корхона ва муассасаларда давлатимиз раҳбарининг мазкур қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масаласи доимий эътиборда бўлмоқда. Махсус ўқув семинарлари орқали жамоалардаги маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлар билим ва малакаси мунтазам ошириб борилмоқда. Тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан меҳнат жамоалари, аҳоли ва ёшлар ўртасида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Хусусан, марказнинг вилоят филиаллари томонидан ҳам таълим муассасаларида гиёҳвандлик, одам савдоси, ОИТС ва диний экстремистик ғояларга қарши курашиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил қилиниб, ўрганилди. Айниқса,

бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сирдарё, Андижон ва Фарғона вилоятларида кўплаб амалий тадбирлар олиб борилганлиги эътироф этилди.

Анжуман якунида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Иброҳим РУСТАМОВ, Ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.

Анжуман

Жорий йилнинг 20-21 май кунлари пойтахтимизда юрак, қон-томир тизими касалликларини даволашда қўлланилаётган янги технологиялар ва тиббий профилактика тадбирларида умумий амалиёт шифокорларининг ўрни мавзусига бағишланган илмий-амалий халқаро анжуман бўлиб ўтди.

ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА -
САЛОМАТЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ва Ўзбекистон Кардиологлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда юртимиз олимлари ва шифокорлари билан бирга, Россия ҳамда Украинадан келган мутахассислар иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов мамлакатимиз тиббиёт тизимида аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган малакали тиббий хизмат турларининг тобора кенг тус олаётганлиги халқимиз саломатлигини яхшилаш, касалликлар профилактикасига хизмат қилибгина қолмай, балки илм-фан йўлидаги изланиш ҳамда ютуқлар соҳа тараққиётида кенгроқ оммалашшига олиб келаяётганини таъкидлади. Айниқса, бирламчи тиббиёт бўғинида фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорларининг бу жараёндаги фаоллиги ва касб малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида тўхталди.

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ушбу йўналишдаги ислохотларнинг дастлабки босқичида ташкил топган ва соҳадаги долзарб вазифаларни ҳал этишга катта ҳисса қўшаётган етакчи тиббий-илмий марказлардан биридир. Ушбу марказ олимлари ва шифокорлари томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли илмий изланишлар натижасида кардиологиянинг муҳим масалалари – артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, қон айланиши етишмовчилиги, юрак аритмиялари диагностикаси ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Марказда илгари инсон саломатлигига жиддий таҳдид туғдирган аритмия касаллигини тифсиз даволаш амалиёти жорий этилди. Бунда шифокорларимиз томирларнинг ички ҳолатини юқори аниқликда ўрганиш имконини берадиган ангиографик текширув усулидан самарали фойда-

ланмоқда. Ҳаётда татбиқ этилаётган бундай юқори технологияли даволаш услублари касалликни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш, юрак хасталиклари натижасида келиб чиқадиган ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини бермоқда. Анжуманда қайд этилганидек, кардиологияда тиббий профилактика ишларини тўғри ташкил этиш бу борадаги натижаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Бу аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, юрак касаллигини келтириб чиқарадиган ирсий омилларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга эътиборни янада кучайтиришни талаб этади. Бундай тадбирлар кардиолог, невропатолог каби мутахассислар билан бир қаторда, умумий амалиёт шифокорлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда умумий амалиёт ва оила шифокори тизими ташкил этилган. Мазкур бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида диагностика ва даволаш ишларини юқори савияда ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган. Умумий амалиёт ва оила шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалар ҳар бир оиланинг тиббий-ижтимоий ҳолатини мунтазам ўрганиб, аҳолига ўз вақтида профилактик ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Телекўрик тарзида ташкил этилган ушбу анжуман ишида вилоятларда фаолият юритаётган соҳа шифокорлари ҳам бевосита иштирок этди ва кардиологиядаги илмий янгиликлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Анжуманда кардиология соҳасида жаҳон тиббиёти ва мамлакатимиз илм-фани эришадиган натижаларини амалда қўллаш самаралари, юрак касалликларининг олдини олишда умумий амалиёт шифокорларининг ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

Намоз ТОЛИПОВ.

ОММАВИЙ ЭМЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимизда полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунларининг олтинчи босқичи бошланди. 28 майга қадар давом этадиган ушбу тадбир доирасида беш ёшгача бўлган қарийб уч миллион нафар бола эмланади.

Юртимиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий йўналишдаги ислохотлар самараси туфайли аҳоли орасида даволаш-профилактика чора-тадбирлари ижобий томонга яхшиланмоқда. Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ, 16 ёшгача бўлган барча болалар оғир юқумли касалликларга қарши режа асосида эмланмоқда. Бундай тадбирларнинг натижасида мамлакатимизда юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият барқарор сақланмоқда. Бироқ, ўтган йили минтақамиздаги айрим давлатларда полиомиелит касаллиги

қайд этилди. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган иммунопрофилактика ишларини янада кучайтиришни ва қўшимча чора-

Матбуот анжумани

тадбирлар кўришни тақозо этади. Шунга мувофиқ, юртимизда босқичма-босқич миллий эмлаш кунлари ташкил этилмоқда. Бундан мақсад – полиомиелит бўйича вазиятни барқарор сақлаш, аҳоли, айниқса, болалар саломатлигини муҳофазалашдан иборат. ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасида миллий эмлаш кунларининг олтинчи бос-

қичига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда маълум қилинишича, иммунизация тадбирларининг навбатдаги босқичида ҳам 5 ёшгача бўлган қарийб уч миллион бола қамраб олинади. Вакциналар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ кўмағида Бельгиянинг «GlaxoSmithKline» компаниясидан олиб келинди. Республикаимизнинг турли ҳудудларига етказиб беришда уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Эмлаш ишларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида жойларда тиббиёт ходимлари иштирокида касалликнинг клиникаси, ташҳиси ва даволашнинг замонавий усуллари оид

семинарлар ташкил этилди. Иммунизация тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ўн мингдан ортиқ эмлаш пункти, чекка ҳудудларда вакцинация ўтказиш учун саккиз минг олти юзга яқин сайёр бригада ташкил этилди. Эмлашнинг бола-лар саломатлигини асрашдаги аҳамиятини аҳолига етказиш мақсадида жойларда турли учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги ва жойларда ташкил этилган махсус штабларда эмлаш жараё-



нининг бориши ва унинг натижалари мунтазам мониторинг қилиб борилди.

Мавжуда ТҲҲЕВА.

31 МАЙ – БУТУНЖАҲОН ТАМАКИ ЧЕКИШГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Маълумки, ҳар йили 31 май – Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни сифатида кенг нишонланиб, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ва оммавий тадбирлар ўтказилади. Айниқса, мактаб, коллеж ва олий ўқув юрталарида талабалар ўртасида олиб бориладиган саломатлик тадбирлари уларда мулоҳазали фикрларни уйғотади. Шу сабабли, пойтахтимиздаги тиббиёт коллежлари талабалари орасида ўтказилган тадбирда уларни қуйидаги саволлар қизиқтирди: «Айтингчи, отам тамаки чекишни ташлашлари учун нима қилиш керак? Отамнинг соғликларини сақлаб қолмоқчиман». Бундан кўриниб турибдики, келажақда бу талаба ушбу иллатдан йироқ бўлади...

ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ХАВФЛИ

Мутахассисларнинг кузатувлари қараганда, чекувчилар ўртасида улим кўрсаткичи чекмайдиганларга нисбатан 70 % кўп, кунига 20 дона сигарет чекувчиларда эса 2 баробар ортиқ эканлиги, чекувчилар чекмайдиганларга нисбатан 6-10 йил кам яшаётганлиги ҳисоблаб чиқилган. Оддий чекувчи ҳар битта чеккан сигаретаси билан ўз умрини 6 минутга қисқартиради. Чекиш ўпка, трахея ва бронхлар, лабдаги ўсма-шишлар, қизилўнгач, оғиз бўшлиғи, ҳалқум, ҳиқилдоқ ўсмалари, ўпка эмфиземаси ва обструктив, юракнинг ишемик касалликлари юзга келишига сабаб бўлади.

Давра суҳбатлари ва учрашувларда баъзан айрим ота-оналарнинг ўз фарзандлари тақдирига беэтибор эканликлари тилга олинди. Ҳақиқатни гапирганда, орамизда ана шундай ота-оналар борлигини инкор этиб бўлмайди. Улар ҳатто болаларида кечаётган руҳий ўзгаришлар, ташқи ва ички дунёқароши билан қизиқмайди. Ваҳоланки, ўсмирлик даврида болаларнинг руҳиятида мураккаб ўзгаришлар кузатилиб, улар ота-она меҳри ва маслаҳатига эҳтиёмжанд бўла-

дилар. Ана шу пайтларда ота-оналарнинг эътиборсизлиги кўп ҳолларда фарзандининг ёмон йўлларга кириб, тамаки сингари зарарли одатларга берилиб қолишига сабабчи бўлади.

Афсуски, ҳозирги кунда тамаки чекиш ҳолатлари ўғил болалар қатори қизлар орасида ҳам учраб турибди. Ачинарлиси шундаки, кўча ва ўқув муассасаларида айрим қизларнинг тамаки чекаётганига гувоҳ бўламиз. Учрашувлар чоғида мутахассислар ушбу иллатнинг оғир оқибатлари нималарга олиб келиши ҳақида маслаҳат берадилар, уларнинг келажақда она бўлишлари ва тамаки тутуни бола соғлиги учун ниҳоятда зарарли эканлигини тушунтирадилар.

Ҳар бир ота-она ўз фарзанди соғлиги тўғрисида қайғуриб, унинг маънавий оламига бефарқ бўлмай, яхши суҳбатдош, намуна кўрсата оладиган фазилатларга эга бўлса, келажагимиз пойдевори бўлмиш фарзандларимиз соғлом, бақувват ва комил инсонлар бўлиб етишишига олиб келади.

Дилбар РАДЖАБОВА,
«Олмазор» номли тиббиёт
коллежи катта ўқитувчиси.

Биласизми?

МИКСОБАКТЕРИЯЛАР ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТГА ЭГА?

Миксобактериялар асосан ипсимон, баъзилари кокилларга ўхшаб кетади. Уларда ҳужайра пўсти эластик бўлганлиги боис, ҳаракатлана олади ва тана тузилишини ўзгартиради. Ҳақиқатан ҳам суюқлик ёрдамида ҳаракатланади. Хивчинлари йўқ ҳужайра иккига бўлиниб ёки ўртадан тўсиқ қилиб кўпайди ҳамда меватана ҳосил қилади. Улар меватанасига қараб системага солинади. Қаттиқ озуқа муҳитида бактериялар колониясига ўхшаш колониялар пайдо бўлади. Миксобактерияларнинг ҳужайра девори эластик бўлиб, ҳужайранинг осон эгилишига ёрдам беради, осон ҳаракатланади ва унинг шакли бирмунча ўзгариши мумкин. Маълум муддатдан сўнг миксобактериялар меватаналар ҳосил қилади. Вегетатив ҳужайралар аввал бўлиниб кўпайди ва сирпаниб ҳаракатланади, сирганиб зич, рангсиз ёки ёрқин рангли меватаналар юзга келади. Меватаналарнинг шакли ва ранглири бактериянинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда, улардаги ҳужайралар миксоспораларга ташқи ноқулай шароитдан сақланиш имкониятлари эга бўлган ҳужайранинг формасига айланиб, қатор миксобактериялар микросистлар пайдо бўлиб, улар спорангиларда ҳосил бўлади ва субстракдан шохча-

лари билан кўтарилиб туриши мумкин. Миксоспоралар кургоқчиликка чидамли, аммо қиздирилганда нобуд бўлади. Миксоспоралар ёки микросисталар қулай шароитга тушганда уна бошлайди ва бутунлай вегетатив ҳужайраларга айланади. Миксобактериялар – хемаорганотрофлар, ҳақиқий аэроблардир. Улар тупроқда, гўнгда ва чириб ётган ўсимлик қолдиқларида учрайди. Уларнинг кўплари ўсимлик ва ҳайвонлар селюлозаси полисахариди, оксилли ва бошқа моддаларини парчалайди. Миксобактериялар тартибидан битта **Мухоссеае** оиласи киради ва унда битта **мухоссус** авлоди мавжуд. Уларнинг икки учи сал ўткирлашган вегетатив ҳужайралари бўлиб, ноқулай шароитга тушганда овал ёки сферик шаклдаги микросисталар ҳосил қилади. Селюлозани парчаловчи бактериялардан энг яхши ва самара берувчи типик вакили **Сутопҳага Хутчинсонни** ҳисобланади. Бу бактерия устида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, Сутопҳага Хутчинсонни керакли озуқа муҳитида ўстирилиб, ўйланган натижани беради.

Нилуфар МАТКАРИМОВА,
Тошкент тиббиёт
академиyasi қошидаги
академик лицей ўқувчиси.

ВСЕМ МИРОМ ПРОТИВ ТАБАКОКУРЕНИЯ И АЛКОГОЛИЗМА

30 декабря 2010 года Законодательной палатой Олий Мажлиса Республики Узбекистан рассмотрен и принят проект закона «Об ограничении распространения и употребления алкогольной и табачной продукции». Данный законопроект направлен на ограничение курения табака и употребления алкогольных напитков и предусматривает осуществление государственной политики в данной области на основе принятия комплексных мер, приоритетности и последовательности мероприятий, направленных на охрану здоровья и жизни человека.

Мы знаем историю возникновения вредной привычки – табакокурения, это связано с путешествием Христофора Колумба в конце XV века в Южную Америку, когда члены его экспедиции на острове Гуангана (ныне Сан-Сальвадор) наблюдали как жители племени «Табако» с пристрастием курили и жевали листья каких-то растений. Таким образом табак попал в Европу и посол Франции в Испании Жан Нико в 1560 году привез его в Париж, так табакокурение распространилось в Европу, и далее в Азию. Хотя еще существует информация о том, что в мумии египетского фараона Рамзеса II, правившего 1200 лет до н.э., были найдены следы растений, похожих на табак.

Употребление алкоголя факт также определенно старый и сопровождает человека с незапамятных времен. Эти две пагубные привычки уже много веков служат «плохим спутником» Homo Sapiens на его пути и сваливают на его голову много бед, сокращая жизнь и увеличивая смертность. Также становятся бесспорной причиной рождения недоношенных, порой нежизнеспособных детей.

Каждая выкуренная сигарета оставляет определенный след в организме. Это выражается в возникновении рано или поздно заболеваний сердечно-сосудистой и дыхательной систем, желудочно-кишечного тракта и ряда других органов и систем человеческого организма, которые в конечном итоге, бесспорно, приводят к инвалидности и ранней смерти.

Несколько обидно то, что слова предупреждения, написанные на пачках сигарет «Курение вредит вашему здоровью», остаются незамеченными. Став в определенном смысле рабом данной пагубной привычки, к великому сожалению, человек губит свою жизнь и оставляет в опасности жизнь будущего поколения. Если обратиться к статистике, то можно пронаблюдать неутешительную ситуацию: ежегодно в мире от последствий заболеваний, вызванных табакокурением, умирают более 4 миллиона человек. Это значит, что каждые 8 секунд один человек и каждую минуту 7 человек уходят из жизни. Табакокурение достаточно распространено и в нашей республике. Изучая цифры, мы наблюдаем несколько негативную картину: в 2010 году по сравнению с предыдущим годом было реализовано табачной продукции на 94 процента больше. На

ниями норм, регулирующих правила торговли.

Законопроект предусматривает меры, направленные на запрещение употребления алкогольной и табачной продукции на рабочих местах, в учреждениях здравоохранения, в кинотеатрах, цирке, концертных и выставочных залах, спортивных сооружениях, в зданиях органов государственного и хозяйственного управления, а также в столовых этих учреждений и производственных учреждениях, местах отдыха детей и молодежи и всех видах общественного транспорта и остановках, улицах, стадионах, в скверах, парках, местах общественного пользования многоквартирных домов и других общественных местах, кроме объектов торговли и общественного питания, в которых реализация алкогольной продукции на разлив разрешена. Курение возможно только в специально отведенных для этой цели местах и помещениях. Проект закона также предусматривает ответственность за вовлечение лица, не достигшего двадцатилетнего возраста, в употребление алкогольной и табачной продукции, а также торговлю ими.

Как альтернатива против названных пагубных привычек в нашей стране стремительно утверждается мода на здоровье. Здоровый образ жизни становится привычным. Государство проявляет реальную заботу, на деле способствующую укреплению здоровья населения, особенно молодежи: в стране строится много спортплощадок и залов, стадионов и спорткомплексов, оснащенных самым современным спортивным оборудованием и инвентарем. Сегодня не редкость плавательные бассейны. Возрождаются национальные игры. Благодаря чему появляются чемпионы мировой величины, на которых равняется молодежь. Входят в моду подтянутость, спортивное телосложение, психологическая и моральная стойкость, простота и вежливость, нетерпимость ко всяким вредным привычкам, рациональное питание и другие элементы здорового образа жизни.

Все это свидетельствует о том, что принятие законопроекта является своевременным. Утверждение здорового образа жизни среди населения республики – важная общегосударственная задача. Разработка и принятие проекта закона «Об ограничении распространения и употребления алкогольной и табачной продукции» даст мощный импульс в борьбе за искоренение таких опасных явлений, как табакокурение и алкоголизм, и будет служить стимулом для формирования и утверждения здорового образа жизни.

Б. РУЗМЕТОВ,
директор Хорезмского
филиала Института
здоровья и медицинской
статистики.

Сен ҳаётсан ахир
юрак қонингда,
Оқмоқда ҳаётнинг
юксак орзуси.
Мўъжиза тимсоли
дилбанд маҳв этган,
Қалблар саҳросининг
танҳо охуси.



Дил изҳори

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗГА

Бир неча йиллардан буён тери касаллиги билан оғриб келар эдим. Наманган вилоятидаги тиббиёт муассасалари мутахассисларининг тавсияси билан Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилдим. У ердаги тиббиёт ходимлари мени хушмуомалалик билан кутиб олиб, касаллик ташҳисини аниқлағач, даво муолажаларини бошлаб юборишди. Касалликдан фориг бўлишимда тажрибали мутахассис, профессор Зухра Муродхўжаевна ва фидойи врач Альбина Шакуровна ҳамда бири-бирдан чаққон ҳамшираларнинг ҳиссалари беқиёс бўлди. Айниқса, уларнинг ўз касбини севиши, ширинсўзлиги ва меҳрибонлиги бемор дардига даво айлаб, улар меҳнати ҳар бир қалбдан

чуқур ўрин олаётганлигига гувоҳ бўлдим. Агар марказдаги тиббиёт ходимлари фаолияти тўғрисида ёздаган бўлсак, эътирофли сўзларимиз камлик қилади. Ана шундай қалби пок, эзгу фазилатларга эга врач ва ҳамширалар, шунингдек, барча ходимларнинг меҳнатларига тасаннолар айтгим келади. Яна бир бор қалбимдаги дил изҳорларимни Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Шароф Ибрагимов ва унинг аҳил жамоасига йўлламан. Уларнинг шарафли, аммо масъулиятли ишларига омадлар тилаб, қўлингиз дард кўрмасин, деб қоламан.

Камолхон ТУРСУНОВ,
Наманган шахри.

Подписка — 2011

Уважаемые читатели!
Продолжается подписка на 2011 год на газету «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана». Дорогие медицинские работники и читатели!

Если вам интересно узнать новое в области медицины, деятельности медицинских учреждений и реформах, происходящих в республике, подписывайтесь на нашу газету!
Наш индекс: 128.

МЕТЕОРИЗМ

Летом меняется характер нашего питания: мы едим много зелени и овощей. В связи с этим возможны желудочные расстройства и повышенное газообразование. Благоприятно влияет на состояние желудочно-кишечного тракта настой из мяты. 1 ст. ложку измельченных листьев мяты залейте 1 стаканом кипятка, настаивайте 2-3 часа, процедите. Принимайте по 1 ст. ложке 4-5 раз в день.

ГИПЕРТОНИЯ

1 ч. ложку травы пастушьей сумки залейте 1 стаканом холодной кипяченой воды, наста-

ивайте 8 часов. Принимайте по 2 ст. ложки 3-4 раза в день.

ВАРИКОЗНОЕ РАСШИРЕНИЕ ВЕН

Листья и соцветия полыни разотрите в ступке. 1 ст. ложку кашицы смешайте с 1 ст. ложкой кислого молока. Нанесите хорошо размешанную смесь на хлопчатобумажную тряпочку или марлю, сложенную в несколько слоев, и приложите к тем местам на ногах, где расширены вены. Держите аппликацию 40 минут. После этой процедуры смажьте кожу растительным мас-

Полезные советы

лом. Курс лечения — 4 дня, после 7-дневного перерыва курс повторите.

КРОВОТЕЧЕНИЕ ИЗ НОСА У ДЕТЕЙ

У многих маленьких детей часто возникают носовые кровотечения в жаркую погоду, во время болезни, после сильного плача и в других ситуациях. Это объясняется слабыми сосудами носоглотки. Для их укрепления приготовьте такую лечебную мазь. Высушенные листья крапивы измельчите в порошок и хорошо перемешайте его с вазе-

лином или подсолнечным маслом в пропорции 1:10 (например, 2 г. порошка на 20 г. вазелина или подсолнечного масла). Смазывайте мазью слизистые оболочки носа 2 раза в день.

УЛУЧШЕНИЕ КРОВООБРАЩЕНИЯ

Для улучшения кровообращения, в том числе и мозгового, принимают ванны для ног с настоем крапивы. Заполните кастрюлю листьями крапивы на 1/3 и долейте доверху кипятком. Настаивайте под крышкой 10-15 минут, затем перелейте настоем

в таз. Настой должен быть горячим, но терпимым. Опустите в таз ноги и парьте 7-10 минут. Делайте такие ванны 2 раза в неделю. Курс — 8-10 процедур.

ВОСПАЛЕНИЕ ДЕСЕН

Добавьте в 1 стакан водки 9 ст. ложек порошка корицы. Настаивайте 2 недели в плотно закрытой емкости, затем процедите. Полученный настоем используйте для полоскания полости рта при воспалении десен, а также как средство для избавления от неприятного запаха изо рта. Настой не проглатывайте.

Подготовила
Л. ВОЛОШИНА.

Хабар

ТЕЗ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида бошланган ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, республикамиз аҳолисига шошилич ва тез ёрдам хизматини кўрсатиш замон талаблари даражасига кўтарилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш ва ислохотларнинг асосий йўналиши бўлган тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш, аҳолига шошилич тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, унинг моддий-техник базасини такомиллашти-

лан муносиб ҳисса қўшаётганликларини алоҳида таъкидлади.

Марказлаштирилган маблағ асосида харид қилинган ушбу амбулатор автотранспортлар Амударё, Эллиққалъа, Хўжайли, Тўртқўл, Беруний, Чимбой, Қўнғирот туман тиббиёт бирлашмаларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли-



риш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Ана шундай гамхўрликнинг ифодаси сифатида жорий йилнинг 19 май куни Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-1114-сонли Қарори ижросининг бажарилиши бўйича ажратилган 10 та «Damas» русумли санитар автотранспортларини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Д. Ходжиев кириш сўзи билан очиб, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига қаратаётган эътибори туфайли соҳа ходимлари ўзларининг самарали фаолияти би-

гининг автотранспорт бўлими бошлиғи Ю. Юнусонов топширди.

Мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раисининг ўринбосари А. Ҳамроев тез ёрдам машиналарининг аҳоли саломатлигини мустақамлашда хизмат қилишига ишонч билдирди.

Тадбирда вазирликнинг масъул ходимлари, республика даволаш-профилактика муассасалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг бошлиқлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам қатнашди.

Гулнора ЖУГИНИСОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси
«Шифокор»
газетаси муҳбири.

Газета

муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ

Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 9518 нусха.
Буюртма Г-550.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмаҳонага топшириш вақти — 20.00.